



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2020 -yil 5 - noyabr

24 -son

Bog‘ot shaharchasi

Боғот шаҳарчаси “Оқтепа” маҳалласи ҳудудидан танлов асосида замонавий энергия тежамкор лойиҳалар асосида кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатишга ер майдони ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йил 26 октябрь куни қурилиш соҳасидаги лойиҳалар тақдимотида Республиканинг аҳоли зич жойлашган туманлар ҳудудларида бир йўлаккли беш қаватли турар-жой биноларини жойлаштириш топшириғига асосан Боғот тумани Боғот шаҳарчаси “Оқтепа” маҳалласи ҳудудидан танлов асосида замонавий энергия тежамкор лойиҳалар асосида кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатишга ер майдони ажратилишида, Хоразм вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг, вилоят қурилиш бош бошқармасининг, туман СЭО ва ЖСХ бўлими ва туман Фавқулодда вазиятлар бўлимининг ижобий хулосаларини ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг баёни ва далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг Боғот шаҳарчаси “Оқтепа” маҳалласи ҳудудидан танлов асосида 2021 йилда замонавий энергия тежамкор лойиҳалар асосида кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари

тайёрлатиш учун ер майдони танлаш тўғрисидаги далолатномаси ҳамда баёни маъкуллансин.

2. Боғот тумани Боғот шаҳарчаси “Оқтепа” маҳалласи ер харитасининг қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ер майдонидан 2021 йилда 8 та 1 йўлаккли, 5 қаватли, 20 хонадондан иборат уй-жойлар қурилиши учун 0,8 гектар ер майдони лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш учун ажратилсин.

3. Боғот тумани Боғот шаҳарчаси “Оқтепа” маҳалласи ҳудудида барпо этиладиган 8 та 1 йўлаккли 5 қаватли 20 хонадонга мўлжалланган кўп квартирали уй-жойлар қурилиши учун ичимлик суви тармоғи ва ички йўллар қурилишига рухсат қилинсин.

4. Боғот тумани ҳокимлигига:

-вилоят қурилиш бош бошқармасидан АРТ-1, АРТ-II (архитектура ва режалаштириш топширик)ларини ишлатиб олиш ва қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш;

-қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатишда тегишли корхона ва ташкилотларнинг хулосаларини олиш вазифаси юклатилсин.

5. Туман қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов) ушбу қарорга асосан Боғот шаҳарчаси “Оқтепа” маҳалласи ҳудудида барпо этиладиган 8 та 1 йўлаккли, 5 қаватли, 20 хонадонга мўлжалланган кўп квартирали уй-жойлар қурилишига белгиланган тартибда зарур меъёрий ҳужжатларни тайёрлаб бериш вазифаси топширилсин.

6. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (К.Хусинов)га мазкур қарор бўйича танланаётган ер майдонини 2021 йилги йиллик мувозанати ҳисобида инобатга олиш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарор Ҳалқ Депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қурязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев